



ХИВА ХОНЛИГИ СОЛИҚ ДаФТАРЛАРИДА УЧРАЙДИГАН ЭТНОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР

А.Э.Абдухалилова

докторант,

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Калит сўзлар: Саноқ дафтарлари, солғут-кесма, закот-кесма, қарақалпоқ, туркман, сори, така

Аннотация: Хива хонлиги Қўнгиротлар даври солик тизими ва у билан боғлиқ равишда юритилган саноқ дафтарлари XIX аср охири ва XX аср бошлари хонлик иқтисодий-ижтимоий ҳаётини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Саноқ дафтарлари йиллар кесимида масжид қавмлари солик тўловчилар рўйхати ва солик миқдорларни қайд этиб борилганлиги ҳамда хонликнинг бутун ҳудудини қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир. Шунингдек, мазкур солик ҳужжатлари ўзида хонлик этнографияси оид кўплаб маълумотларни ўзида жамлаганлиги билан ҳам характерли. Хива хонлиги фуқаролари саналган кўчманчи ҳаёт тарзини юритувчи қорақалпоқлар ва туркманлар ҳаёт тарзи ва улар учун амал қилган ўзига хос солик тизими, жой номлари, атамалар солик дафтارларидан ўрин олган. Ушбу дафтарларни этнологик жиҳатларини тадқиқ этиш бугунги кундаги долзарб бўлган тарихни бирланчи манбалар асосида ёритиш билан боғлиқ.

ETHNOGRAPHIC INFORMATION FOUND IN THE KHIVA KHANATE TAX NOTEBOOKS

A.E. Abdukhalilova

PhD student,

Tashkent State University of Oriental Studies,

Key words: Number notebooks, solghut-kesma, Zakat-kesma, Karakalpak, Turkmen, sori, taka.

Abstract: The Khiva Khanate dates back to the time of the bellows tax system and the number notebooks kept in connection with it become important in the study of the economic and social life of Khanate in the late 19th and early 20th centuries. The number books are significant in that the people of the mosque have recorded the list of taxpayers and the tax amounts in the course of the years and cover the entire territory of the Khanate. It is also characteristic that these tax documents contain a lot of information on the ethnography of Khanate. Karakalpaks and Turkmen who lead a nomadic lifestyle, which are considered citizens of the Khiva Khanate, are included in the tax notebooks of the lifestyle and the specific tax system, Place Names, terms that apply to them. The study of the Ethnological aspects of these notebooks is concerned with the coverage of the history that is relevant today based on unifying sources.

ЭТНОГРАФИЧЕСКАЯ ИНФОРМАЦИЯ, НАЙДЕННАЯ В НАЛОГОВЫХ ТЕТРАДЯХ ХИВИНСКОГО ХАНСТВА

А.Э.Абдухалирова

докторант,

Ташкентский государственный университет востоковедения,

Ключевые слова:
Записные книжки с номерами, солгут-кесма, Закят-кесма, каракалпак, туркмен, сори, така

Аннотация: Хивинское ханство восходит ко временам налоговой системы сильфона, и количество записных книжек, хранящихся в связи с этим, становится важным при изучении экономической и социальной жизни ханства в конце 19-го и начале 20-го веков. Книги учета важны тем, что служители мечети записывали список налогоплательщиков и суммы налогов в течение многих лет и охватывают всю территорию ханства. Характерно также, что эти налоговые документы содержат много информации по этнографии ханства. Каракалпаки и туркмены, ведущие кочевой образ жизни, которые считаются гражданами Хивинского ханства, внесены в налоговые тетради образа жизни и конкретной налоговой системы, географических названий, терминов, которые к ним применяются. Изучение этнологических аспектов этих записных книжек связано с освещением актуальной сегодня истории на основе объединяющих источников.

КИРИШ

Ўзининг ноёб ҳужжатларни жамлаганлиги ва кенг кўлами билан Марказий Осиё давлатлари орасида йетакчи ҳисобланган Ўзбекистон Миллий архиви фондларининг ўзбек давлатчилик тарихини ўрганишда аҳамияти улкан. 2017 йилда Ўзбекистон Миллий архиви “Хива ҳонлиги девонхонаси” фонди ҳужжатлари аслийлиги ва ҳалқаро аҳамиятга эгалигини инобатга олиб ЮНЕСКОнинг “Жаҳон хотираси” дастури рўйхатига киритилган. Мазкур фонд ҳужжатлари XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларига оид даврни ўз ичига олиб, Хива ҳонлиги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳаётидан

маълумот беради. Фонд хужжатларининг салмоқли қисмини ташкил этган хонлик молиявий муносабатларини ёритувчи саноғ дафтарлари Кўнгиротлар даври солиқ тизими тўғрисида батафсил маълумот берувчи манба саналади. Бу турдаги расмий хужжатлар йиллар, мавзелар кесимида хонлик девонхонаси томонидан юритилган. Уларда нафақат солиқ турлари ва миқдори тўғрисида, балки ўлкада яшаган уруғ номлари ва жойлашуви тўғрисида маълумотлар учрайди. Мазкур хужжатларни ўрганиш орқали турли уруғлардан олинган солиқ турлари ёки солиқ имтиёзлари, ер эгалиги муносабатларидағи иштирокини аниқлаш имконини беради. Шундай экан, архив хужжатлари XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларига хонлк ҳалқлари этнографик қиёфасини аниқ далилларга асосан ёритиши билан ҳам муҳим саналади.

ТАДҚИҚОТНИНГ УСУЛЛАРИ

Хонлик фуқаролари саналган туркман, қозоқ ва қорақалпоқлар учун давлатнинг бошқа ҳудудидаги масжид қавмларидан олинган солиқлардан бирмунча фарқ қилувчи солиқ ва мажбуриятлар белгиланган. Мазкур кўчманччи ҳаёт тарзини кечирувчи ҳалқлар ва уруғларнинг давлат хазинасига тўлаган солиқлари Хива хонлиги девонхона хужжатларида қайд этиб борилган. Мазкур саноғ дафтарлари юкорида номлари тилга олинган ҳалқлар этнологиясига оид кўплаб маълумотларни ўзида жамлайди¹.

Хусусан, туркманлар солиқ тизими уларнинг кундалик турмуш тарзи билан боғлик равишда кечган. Асосан, чорвачилиқда отлар кўп боқилганлиги ва туркманлардан яхши чавандозлар бўлганлиги, уларнинг хон хизматига олинишига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Бундай отлик ёки тнавкарлик эвазига хон томонидан туркман сардорларига ер мулклар ажратилиб берилган. Улар ўз отлари ва қурол аслаҳалари билан хон хизматига ёлланиши, бунинг эвазига уларнинг ер мулки солиқдан озод қилинифи белгилаб кўйилган². Кейинчалик туркман навкарлари эгаллаган ер мулклар хусусий мулкчиликнинг отлик ер эгалиги шаклини ташкил этган. XX аср бошларига оид манбаларда бир отлик миқдори 30 танобга teng бўлганлиги ва ундан ортиқ ер учун солиқ олинганлиги таъкидланган.

Архив маълумотларида ҳам тоза навкар, тамғали навкар номлари билан изоҳланган отлиқлар, асосан аъло ер эгалиги тоифасига киритилганлиги ва уларнинг ерлари 10-50 танобни ташкил этганлиги, мазкур ерларнинг 30 танобигача бўлган қисмидан солиқ олинмаганлиги аниқланди³.

МУҲОКАМА

Хива хонлиги тўғрисида статистик маълумотлар берувчи В.Гиршфельд ва А.Галкин маълумотларига кўра, отлик ерлар солиқлардан озод ер бўлиб, унга эгалик қилувчи шахс ҳар 30 танобдан 1 отлик бериш мажбуриятини олган ва ер эгалигининг номи ҳам шундан келиб чиқкан. Аммо 1873 йилдан кейин туркманларнинг ҳарбий хизматига эҳтиёжнинг пасайиб кетиши, бу турдаги ер эгалиги инг камайишига ва солиқга тортилишига сабаб бўлган⁴.

Туркман ҳалқлари ижтимоий-иқтисодий ҳаёти масалалрини тадқиқ этган Ю.Брегель турманларда ер эгалиги муносабатларини тадқиқ этаркан, туркман кадхудоларига ва ҳарбий зодагонларга берилган отлик ерлар манбасини аниқлашга ҳаракат қиласди. Тадқиқотчи фикрича, у ерлар асосан, З турдаги ерлар ҳисобидан кенгайиб борган. Булар, боз ерлар деб аталувчи- ишлов берилмаган ёки янги ўзлаштирилган ерлар бўлиб, саноғ дафтарларида тоза, тоза боз ер сингари атамалар билан изоҳланган. Отлик ерлар архив материалларида учрайдиган хонлиқ ёки хосса ерлари ҳисобидан ҳам берилган.

¹ ЎзМА И-125- фонд, 2- рўйхат, 450-йигма жилд

² Брегель Ю. Хорезмские туркмены в XIX веке. М.1961 –С.231

³ ЎзМА И-125- фонд, 2- рўйхат, 554-йигма жилд

⁴ Гиршфельд В.А., Галкин А.С. Военно-статистическое описание Хивинского ханства...Ч.2-С.36-37

Туркманларга отлик беришда *уйгур, қиёт-қүнгирот* ерларини қайта тақсимлаш ҳисобига ҳам амалга оширилган⁵.

Саноғ дафтарларида навкарларга берилган бир кунлик кунлик ҳаражат учун таъйин этилган маблағ- қўнуғ пулининг қайдлари орасида ҳам қўплаб уруғ номлари қайд этилган. Масалан, така ила сориқға 10 тилло берилди. Иъийдлик учун. Исохон бошлиқ тақаларга 43 тилло 10 танга берилди. Сориқ Хотам бошлиқ йетмиш саккиз отлиқға ҳар кунга 13 тиллодан берилди. Дафтарда шунингдек, сориқ Ниёз Али, Сориқ Хўжа Муҳаммад, така Давлат Назарбек, ахалли Давлат Мурод, Тўра қароқолпоқ, нурмуҳаммад гўклон, чавdur Карной, Або алиэли сингари этномимлар ва уларга солиқлардан келиб тушган маблағлар ҳисобидан берилган қўнуғ миқдори қайд этилган⁶.

НАТИЖАЛАР

Архив материаллариға асосланиб, отлик ерлари қайси ҳудудларда кенг тарқалғанлигига, ернинг миқдори ва солиқ иммунитети мавжудлиги сингари масалаларга аниқлик киритсак. XIX аср иккинчи ярмига доир саноқ ҳужжатида туркманларнинг чавdur, имрели, алиэли, сориқ, арабачи, така, гўклан, қарадашли сингари уруғлари ва уларга берилган отлик ерлар миқдори тўғрисида маълумотлар мавжуд⁷. Хусусан, Боз ёғнинг қуий оқимида яшаган човдурларда ўртacha ер миқдори 50 танобни ташкил этган⁸. Алиэли, арабачи, Манақ ҳудудида яшовчи сориқ сингари уруғларга берилган отлик ер 20 танобдан ортиқ бўлмаган. Қизил Тақир ҳудудида истиқомат қилиб келган човдирларга берилган отлик миқдори 50 танобга тенг бўлган⁹. 1873 йилдан кейинги ҳужжатларда, яъни хонлик Россия империяси томонидан эгаллангандан сўнг отлик миқдори 3 танобга тенглаштирилади. Шу билан отлик атамаси ўлчов бирлиги сифатида қўлланила бошланди.

Хонликнинг Тахта, Мангит, Кўна Урганч қалъаларида асосан, туркманларнинг ёвмут, човдур, қарадашли уруғларида истиқомат қилган бўлса, Кандулқалъада сакарлар кўпчиликни ташкил этган. Архив манбаларида уларнинг уй ҳисоби амалга оширилган ва отлик ер миқдори кўрсатилган¹⁰.

Хива хонлиги фуқаролари саналган ва солиқ тўловчилар рўйҳатидан ўрин олган қорақалпоқлар учун хонлик солиқ тизимида ўзига хос кесма тизими жорий қилинган. Қорақалпоқ бийларининг кўп сонли мурожаатлари асосида шакллантирилган кесма тизими давлат асосий солиқларининг ҳар икки тури солғут ва закот учун амал қилган¹¹. Кўчманчи ҳаёт тарзида эгаллаб турган кенг яйловлардан ҳар таноби учун солиқ тўламаслик учун кесма тизими қўлланилган. Закот ҳам шу тариқа чорва сонига қараб эмас, умумий белгиланган миқдорга кўра тўланган. Бу солиқ ундириш тартиби қорақалпоқлар учун қулай бўлган. Одатда унинг миқдори бир йил учун 2 минг кичик тилло ташкил этган¹². Аммо архив ҳужжатларида бийларнинг илтимоси ва вазият тақозоси билан хоннинг фармони билан мазкур миқдор камайтирилиши мумкин бўлганлигига тўғрисида маълумотлар келтирилган¹³. Саноғ дафтарларида қорақалпоқлардан олинган навкарлар ва улар мансуб бўлган уруғлар тўғрисида маълумот келади. Жумладан, дастлаб хитой уруғидан бўлган навкарлар, сўнgra қўлдоғли, кенагес, қўштамғали, ачамайли, уйғур, қиёт, қанғли уруғларидан олинган навкарлар рўйҳати ва ойлик маоши келтирилади.

Хива хонлигига яшаган қозоқларлар эгаллаган ерлари учун маълум солиқларни тўлаши белгилаб қўйилганди. Саноғ дафтарларида солғут ҳисоби ҳужжатларида

⁵ Брегель Ю. Землевладение у туркмен в Хивинском ханстве в XIX веке. 1957, С.242

⁶ ЎзМА И-125- фонд, 1- рўйхат, 602-йигма жилд

⁷ ЎзМА И-125- фонд, 1- рўйхат, 441-475-480-йигма жиллар

⁸ ЎзМА И-125- фонд, 1- рўйхат, 475-йигма жилд

⁹ ЎзМА И-125- фонд, 1- рўйхат, 480-йигма жилд

¹⁰ ЎзМА И-125- фонд, 1- рўйхат, 554-йигма жилд

¹¹ Гиршфельд В.А., Галкин А.С. Военно-статистическое описание Хивинского ханства...Ч.2С.

¹²Кун А. Заметки о подятях в Хивинском ханстве // Туркестанские ведомости– 1873. – №32 С.126

¹³ ЎзМА И-125- фонд, 2- рўйхат, 109-йигма жилд

қозоқларнинг ер солиғи тўлаганлии тўғрисида маълумотлар учрамайди. Улардан асосан чангарак деб аталувчи ва ҳар ўтовдан 20 танга миқдоридаги солиқ олинган. XIX аср охирида мазкур солиқ ўтov пулига ўзгартирилади. Шунингдек, қозоқлар подшо ерларида ўз чорвасини бокғанлиги учун давлатга чўп пули солигини тўлаши керак бўлган. Унинг аниқ миқдори бўлмаган. Солиқнинг миқдори ўзгарувчан бўлиб, қирғизларнинг чорвасини хонлик худудига ҳайдаб келиши ва бошқа омилларга боғлик равишда бир йил учун белгиланган¹⁴.

Хива хонлиги солиқ тизимида яна бир жиҳат борки, уруғ оқсоқоллари, кадхудо ва бийлари солиқ амалиётида қисман иштирок этган ва солиқларни тез ва аниқ йифиб берганлик учун улар моддий рафбатлантириб турилган. Хон саройидан қиммматбаҳо тўнлар ва пул маблағлари бериб борилган.

ХУЛОСА

Юқорида ўрганилган манбалар асосида хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви “Хива хонлари девонхона хужжатлари” фонди хужжатлари саноғ дафтарлари ўзида молиявий муносабатларни акс этиши билан бирга ўлка ҳалқлар этнографиясига оид кўплаб маълумотларни ўзида жамлайди. Бу турдаги хужжатлар хонлик худудида яшаган турли уруғларнинг номлари билан бирга уларнинг машғулотлари ҳам ёритилган. Тавхижда дафтарларида туркман ҳарбийларига берилган ерлар ва қўнуқ пули тўғрисидаги маълумотлар аҳамиятли бўлиб, навкарларнинг қайси уруғдан қанча миқдорда олинганлиги ва уларнинг ҳизмати эвазига берилган отлиқлари, уруғларнинг солиқ иммунитетлари тўғрисида маълумот келтирилган.

Архив материаллари ичida хонлик солиқ тизимида қорақалпоклар учун амалда бўлган кесма тизими ҳақида маълумот берувчи арздошт мазмунидаги хужжатлар ҳам ўлка этнографиясини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- 1.ЎзМА И-125- фонд, 2- рўйхат, 109-йиғма жилд
- 2.ЎзМА И-125- фонд, 1- рўйхат, 441-йиғма жиллар
- 3.ЎзМА И-125- фонд, 2- рўйхат, 450-йиғма жилд
- 4.ЎзМА И-125- фонд, 2- рўйхат, 455-йиғма жилд
- 5.ЎзМА И-125- фонд, 1- рўйхат, 475-йиғма жилд
- 6.ЎзМА И-125- фонд, 1- рўйхат, 554-йиғма жилд
- 7.ЎзМА И-125- фонд, 1- рўйхат, 480-йиғма жилд
- 8.ЎзМА И-125- фонд, 1- рўйхат, 602-йиғма жилд
- 9.Брегель Ю. Землевладение у туркмен в Хивинском ханстве в XIX веке. М.1957, С.242
- 10.Брегель Ю. Хорезмские туркмены в XIX веке. М.1961 –С.231.
- 11.Брегель Ю. Земельные отношения в Хивинском ханстве. Письменные памятники востока. Историко-филологическое исследование. –М.1972. С.52
- 12.Гиршфельд В.А., Галкин А.С. Военно-статистическое описание Хивинского ханства...Ч.2С.
- 13.Кун А. Заметки о подятах в Хивинском ханстве // Туркестанские ведомости– 1873. – №32 С.126
- 14.XIX аср Хива давлат хужжатлари. II том. М.Й Йўлдошев таҳрири остида. –1960. –Б.392

¹⁴ XIX аср Хива давлат хужжатлари. II том. М.Й Йўлдошев таҳрири остида. –1960. –Б.122